



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

2011 йил 6 МАРТ, ЯКШАНБА

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг жорий йил 25 февраль куни Оқсаройда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида Президентимиз томонидан ёш авлоднинг спортга янада кенг жалб этиш, яратилган имкониятлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича галдаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Фарғона вилояти фаоллари йиғилиши ана шу муҳим масалалар ижросига бағишланди.

● Ўзбекистон «Камолот» ЁИХ «Етакчи» ёшлар марказида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшлар билан ишловчи нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрнига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Адлия вазирлиги ва «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сиёсатшунос, ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар, ёшлар билан ишлайдиган нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, фаол ёшлар, журналистлар иштирокида бўлиб ўтди.

● Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик лицейда бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Наманган шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ташаббуси билан ўтказилган тадбирда 198 фуқаро доимий иш билан таъминланган. Меҳнат шартномаси тузганларнинг 132 нафари касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир.

● Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида «Ёш рассомлар ижодида аёл сиймоси» номли бадиий кўرғазма бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ёшлар ижод саройи ҳамкорлигида ташкил этилган кўрғазмада таниқли рассомлар ҳамда истеъдодли ёшлар ижоди намуналари, рангтаасвир, графика, фото, инсталляция асарлари намойиш этилди.

● Жиззах вилояти Кўғирчоқ театрида «Баҳор тараонали» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Баҳорини, Наврўзни, аёлларни улуғловчи ушбу тадбирда ҳар бир ҳудудга хос бўлган лапар ва ўланлар, шунингдек, умрбоқий удумлар ва аъналаримизни тараннум этувчи сахна кўриқлари намойиш қилинди. Танлов голиби ва иштирокчилари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

### ЖАҲОНДА

● Р.Қодиров иккинчи муддатга Чеченистон Республикаси давлатининг раҳбари этиб тасдиқланди.

● Кеча Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида машҳур аънавий карнавал бошланди. Ёш самбочилар гуруҳлари беш кун давом этиб, уни 760 мингдан ортиқ маҳаллий аҳоли ва жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан ташриф бурурган меҳмонлар кўришлари мумкин бўлади.

● Кеча Россиянинг Белгород областида Ан-148 русумли самолёт ҳалокатга учради. Самолёт бортида бўлган барча 6 нафар экипаж аъзолари ҳаётдан кўз юмди. Ушбу самолёт ҳалокати юзасидан парвозда хавфсизлик қоидаларини бузганлик бўйича жиноий иш очилди.

● АҚШ Россия Федерациясига нисбатан «Жексон-Вэни тузатиши»ни бекор қилишга тайёр эканини билдирди.

● Кеча Камчаткада Рихтер шкаласи бўйича 4,1 балли зилзила рўй берди.

● Германияда давлат муассасалари ходимлари иштирокида иш ташлаш бўлиб ўтди. Мамлакатнинг шарқий ва шимолий ҳудудларида уюштирилган намойишларда 22 мингга яқин киши қатнашган. Кишиларнинг бу тартибсизлики камлиги сабаб бўлган.

● Хитойлик олимлар наъматак меваси қон таркибидаги холестерин миқдорини камайтиради, дея таъкидлашмоқда. Бундан ташқари наъматак меваси инсон организмиде С витамини етишмаслиги натижасида юзага келадиган цинга касаллигини даволашда ҳам жуда фойдалидир.

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 47 (11.858)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам онахонлар!

Мунис опа-сингиллар, лобар қизларим!

Гўзал юртимизга барчамиз орзиқиб кутган кўклар нафаси кириб келаётган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан му-боракбод этишдан бахтиёрман.

Баҳор тобора кучга кириб, табиат уйғониб бораётган шу кутлуг айёмда сизларнинг азиз ва қадрдон юзларингиз, кўзларингизга боқиб, самимий туйғу ва тилакларимизни изҳор этар эканмиз, биз баҳор ва аёл сўзларининг нақадар уйғун ва ҳамоҳанг эканини янада чуқур англаймиз. Аёл зоти чиндан ҳам ўз тисолида гўзаллик ва нафосат, эзгулик ва фидоийлик каби олжанов инсоний фазилатларни мужассам этганига яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Дарҳақиқат, биз ҳаётимиз мазмуни бўлган севги ва садоқат, меҳр-муҳаббат, назокат ва латофат каби энг нозик, сирли туйғуларни Яратганимизнинг бекиёс-мўъжизаси бўлмиш аёл зотисиз асло тасаввур этолмаймиз.

Аёл деганда, кўз ўнгимизда аввало оқ сут бериб, барчамизни ўз бағрида асраб-авайлаб вояга етказадиган, бутун ҳаётини фарзандига бахшида этакдан дунёдаги энг муқаддас зот – Она сиймоси намоен бўлади.

Меҳрибон ва мушфқ оналаримизнинг ана шундай буюк хизматини сўз мулкларининг султони, улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Жисми қил садқа ано бошига» деган ҳикмати сўзларидан ўтказиб ифода этишнинг ўзи қийин, деб ўйлайман.

Шу маънода, асрлар мобайнида ер юзида ҳаёт давомийлигини таъминлаб келаётган азиз ва муқаррам Она сиймоси, аёл зоти олдида бош эгиб таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Қадрили опа-сингиллар! Бугунги кунда ҳаётимизнинг қайси соҳа ва йўналишини олмайлик – бу давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари бўладими, фермерлик ва тадбиркорлик, тиббиёт, таълим-тарбия, фан ва маданият, санъат бўладими – уларнинг ривожини ва самарасини оширишда, юртимизда ҳеч қандам кам бўлмайдиган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда, халқаро майдонда давлатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда опа-сингилларимизнинг катта ҳисса қўшаётгани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Хусусан, аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганини давлат ҳокимиятининг барча бўғиндаги вакиллик органларида 1131 нафар хотин-қиз, жумладан, Олий Мажлисимиз таркибидан 48 нафар сенатор ва депутат фаолият кўрсатаётгани, қарийб 332 минг аёл сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида ўз салоҳиятини намоен қилаётгани, фуқаролик жамиятининг таянчи бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларда уларнинг фаол иштироки эътиборига қўриш, қузатиш қийин эмас.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқариш,

оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича амалга оширган улкан ишларимиз ҳақида албатта кўплаб мисолларни олиб келиш мумкин.

Биргина «Соғлом она – соғлом бола» деб ном олган, бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланган дастуриимиз доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг ўзи илгари ҳаётимизда, тарихимизда ҳеч кўрилмаган салмоқли натижалари билан кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотмоқда.

Юртимизда замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилиб, барча ҳудудларимизда скрининг ва перинатал марказлари, турғуқона ва соғломлаштириш комплекслари, 3200 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, улар зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлангани бу борадаги улкан ишларимизнинг бир қисми, холос. Бунга қўшимча қилиб, ўтган йили амалга оширилган «Баркамол авлод йили» давлат дастури бўйича шу йўналишда 8 триллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганини яна бир бор эслаш ўринлидир.

Бу каби ютуқ ва марралар албатта барчамизни мамнун этади, лекин бундай кенг кўламли, узоқни кўзлаб олиб бораётган ишларимизнинг маъно-моҳиятини, келажак авлод учун аҳамиятини, ҳеч шубҳасиз, энг аввало аёлларимиз, оналаримиз кўпроқ тушунади ва қадр-иға этади, деб ўйлайман.

Бизнинг айнан ана шундай улуғ мақсадга қаратилган барча саъй-ҳаракат ва интилишларимиз бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак баҳола-ниб, ҳолис эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, Халқаро Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбуйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистонни минтақадаги намуна деб тан олганини қайд этиш лозим.

Тинч ва осойишта ҳаётнинг, меҳр-оқибат, шафқат ва муруват туйғуларининг қадрига етакдиган жонкуяр ва оқила аёлларимизнинг оила ва маҳаллада, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик, файзу барака, соғлом муҳитни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари ҳар қанча эътиборга лойиқдир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда тинч ва осуда ҳаётимизни, фарзандларимизнинг бахту камолтини кўрولмайдиган гаразли кучлар ҳам йўқ эмас. Айниқ-са, дунёда, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган ҳозирги пайтда ёшларимизнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан асраш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш зарурлигини асло эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Азиз ватандошлар!

Биз бу йил Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги буюк сана – мустақиллигимизнинг 20 йиллигини энг улуғ ва энг азиз байрам сифатида кенг нишонлай-миз. Бир қарашда, 20 йил кўнра тарих учун қисқа бир муддат, албатта. Лекин бу давр биз учун ўз моҳияти ва аҳамиятига, амалга оширган ишларимизнинг кўла-ми ва миқдосига кўра, ҳақиқатан ҳам асрларга тенг

давр бўлди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Ана шу вақт мобайнида биз Ватанимизнинг ёруғ келажиги, унинг равнақи йўлида қанча-қанча оғир синовлардан ўтдик. 90-йилларда давлатимиз эндигина шаклланиб, мустақил тараққиёт сари дастлабки қадамлар кўяётган мураккаб кунлар бўладими, четдан туриб бизга таъсир ўтказиш учун қилинган турли босим ва таъйиқлар бўладими, иқтисодий узилиш ва етишмовчиликлар шароитида, ўта оғир бир вазиятда бозор муносабатларини жорий этиш бўладими, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўладими – буларнинг барчаси, ўйлай-манки, янги тарихимизда чуқур из қолдирадиган давр сифатида халқимиз хотирасидан ҳеч қачон кўтарил-майди. Ишонманки, эркин ва мустақил фикрлайди-ган ёш авлодимиз ҳам мамлакатимиз босиб ўтган бу ўчмас йўлдан зарур хулоса ва сабоқлар чиқариб, мағ-рурлибна яшайди.

Ортимизда қолган ана шу қийинчилик ва муаммо-ларни юртимиздаги ҳар қайси оила, ҳар қайси ма-ҳалла, шаҳар ва қишлоқ аҳли ўз бошидан ўтказди. Лекин, қўлимизни кўксимизга қўйиб, ҳолисона айта-диган бўлсак, бундай қийинчилик ва ташвишлар ав-валамбор захматқаш аёлларимизнинг елкасига туш-ди. Ва уларнинг сабр-бардоши ва чидамлилиги, до-нолиги ва шукроналик фазилатлари, эртанги кунга ишончи юртимизнинг ана шундай синовларни энг-иб ўтишда мустаҳкам замин ва асос бўлди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Бугунги кунда, иқтисодиётимиз тобора ривожланиб, ҳаётимиз обод ва фаровон бўлиб бораётган, барқа-рор тараққиёт суръатларимизни дунё ҳамжамияти тан олаётган бир пайтда мана шундай ёруғ кунларга етиб келишимизга унутилмас ва бекиёс ҳисса қўшган, да-лада ва корхоналарда, таълим ва шиоф масканлари-да, бошқа кўплаб соҳа ва тармоқларда ўзини аямас-дан меҳнат қилаётган, оила ҳаётини тебратиб, ёш ав-лодимизни баркамол этиш тарбиялаётган сиз қадр-дон опа-сингилларимизга тасаннолар айтиб, барча-барчангизга ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни бил-диришга ижозат бергайсиз.

Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган барча режа ва дас-турларимиз ва уларни амалга ошириш ҳақида гапир-ганда, бир ҳақиқатни такрор ва такрор айтишни ис-тардим — ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад-муддао-ларимизга етишда мен сиз, азиз аёлларимизни асо-сий таянчим ва суянчим, энг яқин маслакдошларим деб билганман ва бундан бўғин ҳам шу фикрда қола-ман.

Муҳтарам опа-сингиллар! Барчангизни кутлуг байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо толеингиз баланд, ризку насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислол КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА, МИЛЛАТ БАРКАМОЛ

«Туркистон» саройида 5 март кунини Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.



Аёллари соғлом элнинг фарзандлари баркамол, келажиги нурафшондир. Бу борада ўзбекистонлик хотин-қизларга — азиз ва муҳтарам онахонларимиз, мунис опа-сингилларимизга ҳавас қилса арзийди. Бугун юртимизда қайси соҳани олиб кўрмган, ўз ўрнини топаётган аёллар сафи кенгаймоқда. Аслида аёлнинг жамиятда ўз ўрнини топиши — унинг ҳаётдан мазмун ва қувонч топиб яшаётганидан далолатдир.

Президентимиз Ислол Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг илк йил-

ларидан хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, бир сўз билан айтганда, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар самарасини бугун ҳар жиҳатдан соғлом ва етуқ фарзандларимиз тисолида ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Зеро, аёл сало-матлиги — оила соғломлиги, жамият мустаҳкамлиги, мамлакат барқарорли-гидир.

(Давоми 2-бетда)

Президентимиз Ислол Каримов раҳнамолигида истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга улкан эътибор қаратилмоқда. Хотин-қизларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан этиб белгиланди.

## ШАРАФЛИДИР БУ ЮРТНИНГ АЁЛЛАРИ

Миллатнинг улуғлиги, жамиятнинг маданий даражаси, маънавий баркамоллиги кўп жиҳатдан аёлларга бўлган муносабатга ҳам боғлиқ экани тарих сиёсатига ўз исботини топган. Зеро, аёллар оила гултожи, миллат давомчиси, келажак авлод тарбиячиси. Аёллар бор экан, эзгу ва хайрли амаллар сари интиламиз, қалбимизда энг инжа туйғулар яшайди, эртанги кунга, келажакка ишонч билан қараймиз. Умримизнинг энг унутилмас лаҳзалари, қувончли дамлари, юракларда туғён урган муҳаббат нади-даси ҳам ана шу аёллар туфайлидир.

Аёл деганда кўз олдимизда бирин-чи галда, шубҳасиз мунис ва мўъта-

бар Она гавдаланади. «Менинг онам ҳаммадан яхши». Бу эзгу каломни туймаган, уни пичирлаб айтмаган инсон бўлмаган керак. Онани эъзозлаш — бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган. Биз Она тисолида Ватанин кўрамиз, эзгуликни, энг покиза туйғуларни Онада туямиз, Она кўзи билан дунёни та-нийимиз. Президентимиз Ислол Каримов таъкидлаганидек, халқ тақдири, мил-лат истиқболни учун ҳал қилувчи аҳами-ятга эга бўлган улуғ ва масъулиятли иш фақат оналарнинг қўлидан ке-лади.

(Давоми 2-бетда)

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАҚ, МУХТАРАМА ОНАЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда)

5 март куни пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони ҳар қанондан тароватли ва кўркам киффа касб этди. Хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизларимизнинг ўзларидек гўзал гуллари ва латиф лабасуми Бош майдонимизга ажиб бир табофат ва файз бағишлади.

Хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга қўйилган гуллар бахтли хотин-қизларимизнинг шукроналиги ифодасидир. Шу дамда Бахтиёр она ҳайкали сиймосида ҳам, унга боқиб турган аёлларимизнинг юз-кўзида ҳам муштарак эзгу фазилатлар — меҳрибонлик, фидойилик, пок ният, ҳаётдан мамнунлик ҳисси зухур этарди.

Шу куни «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда турли соҳаларда кўп йиллардан бунён самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, нуруний онахонлару лобар қизлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари, турли вазирулар ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими вазири Раҳимов Р.Усмонов очди.

Президентимиз Ислому Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Ақбарова мустақил Ватанимизнинг ўтган йилгира йиллик тараққиёт йўлида халқимиз эришган ҳар бир ютуқ замирида фидойи ва жонқур хотин-қизларимиз меҳнати муҳассамлигини, буларнинг барчаси Президентимиз Ислому Каримов

раҳнамолигида юртимиз хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни ва маъқени мустаҳкамлаш, эзгу интилишларини кўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг юксак самаралари эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Соғлом она — соғлом бола, соғлом бола

сафи кенгайиб бормоқда. Барчинойу Тўмарис издошларининг истеъдод ва маҳорати дунё спорт жамоатчилигини ҳам ҳайратга солмоқда. 2010 йилда халқаро миқёсдаги 42 мусобақада юртимиздан 500 нафардан зиёд ёш спортчи иштирок этган бўлса, уларнинг учдан бири қизлардир.

Миллат давомчиси ва келажақ авлод тарбиячиси бўлган хотин-қизларимизга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан юртимизнинг барча йулларида ўтаётган

гини парваришлаймиз. Унинг ёғочидан кўллаб мусиқа чоғуларини яшаш мумкин. Буларнинг барчаси ўнлаб қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

Тадбирда Президентимиз Ислому Каримовнинг қароғида мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар қизга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳиблари — Самарқанд давлат университетининг 1-босқич талабаси Умидаҳон Жўраева, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси Бакиноз Қаипова, Фарғона давлат университетининг 2-босқич талабаси Дилнавоз Қўлдошева хотин-қизларни жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов хотин-қизларга юртимизда кўрсатилаётган юксак эҳтиром баркамол авлодни воғна етказишга хизмат қилишни таъкидлади. Она сиймоси улғунлар шайри ўқиб берди.

Сарой фойесиди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Бадиий академия, «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида тасвирий санъат ва миллий хунармандчилик соҳаларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ижодига бағишланган кўрғазма ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ёш ижроичиларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Умид ЁҚУБОВ, Уза мухбири

АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА, МИЛЛАТ БАРКАМОЛ

— соғлом келажақ, демакдир. Бу борада изчил амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» гоёсини ўзида муҳассам этган дастур асосидаги кенг қўламли чора-тадбирларни эслашнинг ўзи кифоя. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида барпо этилган ва замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари бугун ҳар жиҳатдан соғлом наслини тарбиялаш имконини бермоқда. Бу сайёр ҳаракатларнинг самарасида бугун юртимиз дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шaroитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Бу йўналишда юртимизда яратилган миллий тизим дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида намуна сифатида ўрганилаётган.

Юртимизда хотин-қизлар ўртасида спорт тобора оммалашиб, спортнинг қизларимизга мос турлари жадал ривожланмоқда. Сўнгги икки йилда мамлакатимизда бадиий гимнастика билан шугулланадиган қизлар сони уч баробар ошди, стол тенниси ва сузиш билан шугулланаётган қизлар

тадбирлари яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Бугун чекка-чекка қишлоқларимизда ҳам тадбиркор, меҳнатсевар, фидойи ва қўли гул хотин-қизларнинг эзгу интилишларига кенг йўл очилмоқда. Бу — аёлларимизнинг меҳнати қадрланаётганидан, истеъдод ва салоҳияти рўбга чиқаётганидан далолатдир. Агар 2005 йилда 198,4 миң нафар хотин-қиз иш билан таъминланган бўлса, 2010 йил давомида опа-сингилларимиз учун қарийб 460 миңга яқин иш ўрни яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўлида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг эзгу интилишларини рўбга чиқариш борасида яратилаётган кенг имкониятлар бизни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундамоқда, — дейди Андижон туманидаги «Саваб» файзу барака» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Азима Ботирова. — Қишлоқимизда ташкил этилган зардушлик ва тикувчилик цехларида қизларимиз тиккан миллий хунармандчилик буюмлари жуда харидорлиг. Шу билан бирга, уч гектар ерда иқлим шaroитимизга мос бамбуқ ўсимлиги



Байрам нашидаси

СЕН АЗИЗ ВА МУҚАДДАСАН!

Юртимизда гўзал баҳор айёми билан нафосат байрами 8 Март — Хотин-қизлар куни кенг нишонланмоқда. Мўътабар ва мунис онахонларимиз, бувижонларимиз, опа-сингилларимиз бугун ҳурматда-эъозда. Қўлларида анвойи гулдасталар тутган лобар ва дилбар аёлларнинг чехрасида чексиз қувонч, бахтиёрлик уфуриб турибди.

Хотин-қизлар байрами муносабати билан маҳаллаларда, таълим муассасаларида, ташкилот ва корхоналарда шодиёна байрам тадбирлари, оналари, аёлларни улғувчи давра суҳбатлари, урдушулар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Олмазор тумани ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимликлари ҳамкорлигида Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида «Сен азиз ва муқаддасан, аёл!» мавзусида байрам тадбири ўтказилди. Унда тумандаги фаол аёллар, олий ўқув юртиларининг ўқитувчи-профессорлари, талаба қизлар иштирок этишди.

Тадбирда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурод Чориев сўзга чиқиб, муҳтарам аёллар, онахонлар, опа-сингилларни гўзаллик ва нафосат айёми билан муқаббат деб этиб, бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва роли, турли жаҳаларда қўлга қарийтаётган ютуқлари, оилалар тинчлиги, фарзандлар тарбиясидаги фидойиликлари, юртимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида муносиб ҳисса қўшаётганликларини фахр билан қайд этди.

Шодиёна ўтган тадбирда туманда фаолият олиб бораётган бир гуруҳ фаол аёллар фахрий ёрликлар билан тақдирландилар. Элимиз сўйган таниқли санъат усталари, шоирларнинг чиқишлари, оналарни мадҳ этувчи концерт дастури йиғилганларга бир олам завқ, байрамона хуш кайфият бахш этди. Тадбирда мактабга таълим муассасалари тарбияланувчиларининг аёлларга табриклари, ўқув марказлари томонидан миллий либослар ва дўпчилар кўрғазмаси намойиши, иқтидорли қизларнинг ижодий кўрғазмаси барчага манзур бўлди.

«Зарафшон» мажмуасида Юнусобод туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган байрам тадбири ҳам ўзгача шодиёна руҳда нишонланди. «Аёл борки, олам мунаввар!» деб номланган тадбирга фаол аёллар, мунис ва мўътабар онахонлар, лобар қизлар таширф буоришди. Сўз чиққанлар азиз ва муҳтарам аёллар, онахонлар, дилбар опа-сингилларимизни шодиёна байрам билан кўллаб, Ватанимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлида олиб бораётган фаолиятларида ютуқ ва омадлар тиладилар. Таниқли онахонлар ижросидаги қувнок қўйишлар, шўх рақслар билан давом этган шодиёна кеча йиғилганлар қалбига чексиз қувонч ва хушнудлик бағишлади.

— Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг турли соҳаларда фаолият олиб бораётгани, катта ютуқларга эришаётганини барчамизни қувонтиради, — дейди «Оқтепа» маҳалласининг маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчехра Каримова. — Айниқса хотин-қизларимизнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик соҳасидаги фаолияти диққатга сазовор бўлмоқда. Юртобшамизнинг хотин-қизларга бўлган эътибори ва ғамхўрликлари тўғрисида улар ҳам бу ишончга жавобан турли жаҳаларда ўз иқтидорларини, фидойиликларини намойён этмоқдалар. Бугунги байрам тадбири ҳам биз, аёллар учун, ташкил этилди. Бу эҳтиромдан жуда-жуда хурсандимиз. Аёлнинг кўнгли гуддек нозик, қалби денгиз каби кенг. Меҳрибон, мушфиқ оналаримиз, назокатли опа-сингилларимиз ҳамisha мана шундай хурмат-эъозда бўлсинлар.

Гулнора ҲАМИДОВА

Халқимизда «Қариси бор уйнинг файзи бор» деган нақл бежиз айтилмайди. Қайси бир хонадонга борман, бува, бувижонларим бор оиланинг гавжумлиги, аҳлилиги, саранжом-сарихалигини кўриб ҳавасингиз келади. Дарҳақиқат, бағримиз бутунлиги, хонадонимиз ободлиги, файзу баракага тўлиқлиги уйимиз тўрида юзларидан нур ёғилиб турган дуоғўй нурунийларимизнинг борлигидандир. Улар билан ҳаёт сўқмоқларида кечган машаққатли турмуш тарзлари, узоқ умр сўқмоқлари ҳақида суҳбатлашнинг келади.

Шаҳримизда кутлуг ёшни қаршилаган, юз билан юзлашган нуруний қариларимиз бор, албатта. Айни баҳор айёми, Хотин-қизлар куни муносабати билан ана-шундай пиру бадавлат онахонлар билан учрашиб, дилдан суҳбатлашиш ниятида Чилонзор туманининг «Бешкўрғон» маҳалласида истиқомат қилаётган, ўтган йили муқаббат юз ёшни қаршилаган Саврихон ая Мирзаева хонадонларига таширф буюрдик. Файзли, саранжом-сарихиша хонадон тўрида чехрасидан нур ёғилиб турган Саври аянинг атрофи эваралари билан гавжум экан. Жажжи кичкинтойлар бувижонларини саволга тутиб, қўлларидан тортиб чуғурлашар, онахон эса уларни бағрига босиб, юзларини силари, ширин сўзлар айтиб эркаларди. Байрам муносабати билан келган набиралари, эваралари ҳамда бизнинг таширфимиздан қувонган онахоннинг кўзларига севинч ёшлари келди. Аянинг ёнларига ўтириб, узоқ умр сирлари, ҳаётнинг маъноси, бошидан ўтган кечмишларини сўраб суҳбатга тортидик.

— Мен ийўлаганимизлар учун раҳмат, — дея сўз бошлади ая. — Ҳаётнинг маъноси муҳаммад ашамқудир. Бу дегани — аввало ҳалоллик, меҳнатсеварлик, тўғрили билан яшаган, муруватли инсонлар мазмуни ҳаёт кечиб, узоқ умр кўрадилар. Ҳаётнинг синовлари кўп, болам, бу синовлардан, машаққатлардан чидам ва сабр билан

ўтиш мумкин. Ҳаёт — ҳалол меҳнат билан гўзал, мазмунидир. Мен кўп йил жамоа ҳўжалигида меҳнат қилдим. Уруш, очарчилик йилларида неча маддача ва

Пиру бадавлатларимиз ҲАЁТНИНГ МАЪНОСИ ҲАЛОЛ ВА ПОК ЯШАМОҚДИР, дейди юз билан юзлашган Саври ая Мирзаева



шаққатларни бошдан кечирганмиз. Лавлаб терганимиз, ипак курти боққанмиз. Оилам, бола-чақам, деб умрим фақат меҳнатда ўтди. Турмуш ўртоғим билан аҳил ва тотув яшаб, икки қиз, икки ўғилни ҳалол меҳнат билан тарбиялаб воғна етказдик. Шўқри, болаларим одоб-ахлоқли, тарбияли, меҳнатсевар инсонлар бўлиб воғна етишди. Мана шундай дориломон кунларга етказганига дуоға қўл очаман. Энди доимо фарзандларим ардоғидаман, қариганимда меҳнатларим роҳат бўлганига, шундай кутлуг ёшга етказганига раҳмат. Еруғ кунлар бор экан, қўриб шундай хурсанд бўлам. Ҳаётимиз тинч, фаровон, дастурхонимиз тўкин, ёшлар

кулгиларидан, уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибат тафтидан, бу оилада порлаб турган қўш бордек туолаб дўб гўё. Зеро, қўшини аслида иккита дейиш мумкин. Бири қўқда, бири экса аёл, она номи билан заминда яшайди. Истардикки, оиламиз қўшиб бўлган мунис ва меҳрибон бувижонларимиз, азизу муқаррам онахонларимиз доимо соғ-омон бўлишсин. Саврихон ая каби биз ҳам табаррук ёшга етиб, фарзандларимиз камолтини кўрайлик.

ДИЛОРОМ ИКРОМОВА СУРАТДА: юз билан юзлашган онахон Саври ая Мирзаева набирани эваралари даврасида Козим Улмасов олган сурат

Байрам мушоираси АЁЛ

Фикру ёдим тортар Чулга йди хаёл, Мунису мукаррам ўзингсан, Аёл.

Тоғдайин суячиқ, Ҳам жуфти ҳалол, Вафодор елкадош ўзингсан, Аёл.

Зукқоликда Темир Ақлин этган лол, Донишу тадбиркор ўзингсан, Аёл.

Ёғийлар қаддини Эта олган дол, Юртга фидойи ўзингсан, Аёл.

Шерозий куйлаган Оқ ўз, қора хол, Қамарни доғ этган ўзингсан, Аёл.

Барчага баробар Тилгаган иқбол, Оқ кўнгли, соддадил ўзингсан, Аёл.

Дилида эзгулик, Доим тилда бол, Ипақдек мулойим ўзингсан, Аёл.

Меҳрингдан топмишлар Даҳолар қамол, Фарзандлар илоҳи ўзингсан, Аёл.

Бу дунё не учун Билмайди завол, Оламини асровчи ўзингсан, Аёл.

Улуг зот ким дея Берсалар савол, Шўқур дер, сен ўзинг, ўзингсан, Аёл. Шўқур ДАДАШ

ОНА КЎНГЛИ

Тилар сенга чин саодат, онанг кўнглин авайлагин, Кунларин қилма аросат, онанг кўнглин авайлагин.

Ўн юзингга урган бўлса, тугиб боз чап юзингни ҳам, онанг кўнглин авайлагин.

Синган ғуруринг-каффорат, онанг кўнглин авайлагин.

Умр бўйи хизмат қилсанг узолмайсан унинг қарзин, онанг кўнглин авайлагин.

Таъзим қилгин, айтгин раҳмат, онанг кўнглин авайлагин.

Юзларини босган ажин, сочларида оппоқ қиров, Сени деб чеккан қанча захмат, онанг кўнглин авайлагин. Машраб сўзлари ҳақиқат, онанг кўнглин авайлагин. Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА

ШАРАФЛИДИР БУ ЮРТНИНГ АЁЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Улуг мутафаккир Алишер Навоий оналар ҳақида шундай ёқ Аналарнинг ёғи остидадир, Равази жаннату жинон боғи. Равази боғи висилин истар эсанг, Бул онанинг ёғи тўфроғи.

Мамлакатимизда аёлларни ёзғозлаш, хотин-қизларга ғарик кўрсатиш замирида онага бўлган эҳтиром алоҳида ўр эгаллайди. Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизнинг майдониди Бахтиёр она сиймосини муҳассам этган муа ёдгорлик мажмуи ўрнатилгани, юртимизнинг мард ва ж ўғуллари шарафига қад ростлаган «Ватанга қасамд» ҳа лдаги мунис она қиёфаси халқимизнинг аёл зотига бў чўқур ҳурмат-эҳтиром, таъзим ва ташаққурини ая бир ё ифодасидир.

Юртимиз 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлининг ҳар йили, ҳар бир босқичида хотин-қизларнинг фаол иштироки сида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Авваламбор, аёлнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган э ҳуқуқий асослар яратилди. Бош қонунимизнинг 46-модди хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқли экани мустаҳкамлаб қ ган. Ўтган давр мобайинида аёлларнинг ижтимоий ва си фаоллигини, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳи юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий му засини қучайтириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш тин-қизларни иш билан таъминлаш, тадбиркор аёлларни қў куватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қил «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қу лаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фе ни аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз ҳаёт ба рча жаҳалларида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш тин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал с сини юксалтириш ишларида муҳим омили бўлмоқда.

Она соғлом бўлса, соғлом фарзанд туғилади, фарзан глом бўлса мамлакат муттасили ривожланади. Президент Ислому Каримов томонидан илгари сурилган, ўзида ана ш мақсадни муҳассам этган «Соғлом она — соғлом бола» цецияси мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қ хотин-қизлар саломатлигини сақлаш, ҳар томонлама соғл баркамол авлодни тарбиялашнинг самарали механизмини лантириш имконини бермоқда. Бир мисол: ўтган йил юртимизнинг барча ҳудудларида оналар ва болаларни тиббий текширувдан ўтказиш учун скрининг ва перенатал казлари фаолияти йўлга қўйилди. 2010 йилнинг ўзида сир марказларига 4 миллион доллардан ортик маблағ йўналт ди, минглаб бўлажақ она чўқур тиббий қўриқдан ўтказилди.

Бу сайёр-ҳаракатларнинг натижалари халқаро миқёсд кенг эътироф этилмоқда. Президентимиз Ислому Каримов йили БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадлари гишланган ялпи мажлисидида нутқда алоҳида қайд этти мамлакатимизда оналар ўлими даражаси икки бароб кўпроқ, болалар ўлими уч баробар камайди. Ўтган 20 йл мида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга етди. Ҳозир мамли миз хотин-қизлар учун қулай шaroитлар яратиш, онаг болаликни муҳофазалаш бўйича 125 давлат ичиди етакчи лардан бирини эгаллаб турибди. Жаҳон соғлиқни сақлаш килоти оналик ва болаликни муҳофазалашга оид миллий лимизни Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва МДҲ давлатлар намуна сифатида тавсия этди.

Миллий қадриятларимиз бешиги, инсон қамолотини кўргони бўлган оиланинг жамиятимиздаги ўрни ва тавси қучайтириш ишларида ҳам аёлларнинг, фарзандида эн с покиза тўғулари тарбиялаётган оналарнинг иштироки ё аҳамият касб этди. Зеро, инсон ҳаётидаги барча маъ мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноб меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушун нинг пойдевори оиладир. Юртбошимиз «Юксак маънае энгилмас куч» асариди бу ҳақда шундай таъкидлайди: «Ои тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳр хонадондаги маънавий иқлимни узаро муҳимат, одоб-аҳис соний муносабатлар асосига қуриш айни муддао бўлур ал.

Юртимизда бу борадаги ишлар аввало қизларни ои ҳаётга тайёрлашдан бошланди. Мустақил қизга қадам арафасида турган ёш қизларга оила, унинг боқий қадрия улуглиги, фарзанд деб аталмиш бебаҳо нөъмат қадри э атрофлича қўнималар бериш мақсадида «мактаб — о маҳалла» ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Таълим муассасалари синф ўқувчиларига шу мавзуга бағишланган махсус ф ўқитилмоқда. Барча фуқаролик ҳолати далолатномаларини бўлимларида ташкил этилган «Оила дорилфунуни»да йиги ларга баркамол, соғлом оила қуришнинг сир-асрорлари тилаётир.

«Кўчли давлатдан — кўчли фуқаролик жамияти сари» та лини босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида аёлла фаол иштироки таъминланаётгани демократик тараққиёт намоён этаётир. Бугун юксак билим ва малакага эга аёллар ҳокимиятнинг қонунчилик, иқро ва суд тармоқи нуфузли ўринларда самарали меҳнат қилаётир. Кўллаб- қизларимиз халқимизнинг ишончли вакиллари сифатида с ят олиб бормоқда.

Бунда сайлов тўғрисидаги мавжуд қонунларимизда Г- дентимиз ташаббуси билан Олий Мажлис ва маҳаллий л- лик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий л- томонидан хотин-қизларга қамиди 30 фоиз ўрни ажратиш белгилангани муҳим омили бўлмоқда. Қонунчилигимизга- тилган, жаҳон таърибасида қузатилмаган бу норма юртя хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор, айни пайтда ул- конституциявий ҳуқуқларини тўла намоён этишлари уч- тилган ушлар шарт-шaroитларини ая бир ёрқин ифода.

«Хотин-қизлар учун, айниқса қишлоқ жойларда янги-я л ўринлари яратиш, биринчи галда хонадон бекалари дуч к- лан уй-жой ва коммунал хизматлари билан боғлиқ муам- ни ҳал этиш бўйича аяна кўп иш қилишимиз лозимлиги борада заҳматқаш ва қамтарин опа-сингилларимиз олди- здор эканлигини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз- дентимиз Ислому Каримовнинг бу сўзлари бугун амаз ифодасини топмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида чекка қишлоқларда ҳам қад ростлаётган намунавий лойи уй-жойлар замонавий қиёфаси, тўқис шарт-шaroитлари том маънода ўзбек аёллари орусининг ижобатидир.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, айниқса қиш- ларда уларнинг меҳнат ва ўқиш шaroитларини яхшила- ларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратил- турларнинг ҳаётга изчил таъкиб этилаётгани самарасид- мерлик ҳаракати ва касаначилик, кичик бизнес ва хусус- биркорлик соҳасида улар сафи тобора кенгаймоқда. Ма- тимизда 2010 йилда ташкил этилган жами 950 миңгад- иш ўринининг 210 миңдан ортики касаначилик соҳасига келгани ҳам хотин-қизлар учун қулай меҳнат шaroити яратмоқда. Бу уларга фарзандлар тарбиясида ажралмага даромад топиш имкониятини бермоқда.

Ҳар йили Президентимиз фармонлари билан кўллаб- қизлар мамлакатимизнинг юксак унвонларига, орден ва л- ларга сазовор бўлаётир. Юртимиз шон-шўҳрати, иқтисо- лоҳиятини юксалтиришга, мустақиллигимизни мустаҳкам- улкан ҳисса қўлиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан и- мизнинг олий мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» де- рафли номга сазовор бўлган аёллар сафи тобора кенгай.

Ҳа, ҳаётимизнинг барча жаҳалларида аёллар муноси эгаллаётгани, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи юк- гани мамлакатимизда демократик тамойиллар тобора к- кам қарор толаётганининг амалдаги самарасидир. Прези- миз таъкидлаганидек, оқила, гўзал аёлларимиз ўзларини- ҳўрлиги,

**Халқимизда ер деҳқонни боқади, деҳқон эса элни, деган нақл бор. Ҳақ гап ва бунга ортиқча изоҳнинг ҳождати йўқ. Қутлуг заминимизда етиштирилаётган неъматлар баракаси билан ҳаётимиз юксалиб бораётгани шак-шубҳасиз. Бунинг замирида эса деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнати, яъни одамларнинг кундалик эҳтиёжини қондиришда муқаддас заминга хизмат қилишни ўз зиммасига олган олижаноб инсонларнинг заҳматли ва беминнат меҳнати ётади.**

Таъкидлаб ўтмоқ лозимки, муштараклик йилларида бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар шарофати билан ер ниҳоят ўз ҳақиқий эгасини топди. Деҳқон ҳаёти, унинг турмушини янада яхшилаш, қишлоқларимизни ҳар томонлама обод қилиш мақсадида мамлакатимиз Президентини фармони билан тасдиқланган махсус Давлат дастурига асосан кенг қўламли ишлар амалга оширилди ва бугунги кунда ҳам ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар изчил давом этаётганининг гувоҳимиз.

Шуни ҳам алоҳида айтиш кераки, ўзига хослиги билан қадриятимизга айланган ва шу билан бирга замонавийлигини акс эттираётган бозорларимизни айланар эканмиз, ҳар биримизнинг дилимиз жайрайди. Қолаверса, бу гуруҳ ҳисси бозорларимизда яратилган шароитларнинг файзу тароватидан, шунингдек, шубҳасиз, гўё мўъжиза каби табиат инъомларидан янада ортиб боради.

Дилимизда, тилимизда деҳқонларга миннатдорлик ва ҳурмат бажо этилмиш. Боиси яхши маълум. Дастурхонимиз тўкин-сочинлигини ўйлаб, деҳқонларимиз киш бўладими ёки жазирима иссиқ, йил давомида куну тун далада. Уларнинг тинимсиз ва машаққатли меҳнати натижаси ўлароқ бозорларимизда, оиламизда, умуман турмуш тарзимизда тароват ва баракани уфуриб тураётган!

Кейинги йилларда азим шахримиз бозорларимизда деҳқонларимиз учун барча зарур шароитлар яратиш мақсадида катта ҳажмдаги қурилиш, ободонлаштириш тадбирлари ҳам амалга оширилди ва бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар бардавломлиги билан эътиборлидир. Пойтахтимиз деҳқон бозорларининг кўрки кун сайин чироқ очиб бораётганининг ўзи бунга яққол далилдир. Чунончи, кейинги уч йил ичида шаҳар бозорларининг моддий негизини янада яхшилаш мақсадида маҳаллий бюджетдан ва бозорларнинг ўз маблағлари ҳисобига 5,3 миллиард сўмга, шу жумладан ўтган йилнинг ўзига 1,9 миллиард сўмга тенг таъмирлаш-қурилиш ишлари амалга оширилди. «Эски-Жўва», «Фарҳод», «Кўйлик», «Авиасозлар», «Наврўз» каби шахримиздаги 12 та деҳқон бозори ҳудудлари ободонлаштирилди, бу ерларда замонавий кўринишдаги кўшимча савдо расталари ташкил этилди, санитар шароитлар яхшиланди.

Ушбу йўналишда «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда қўлаб тадбирларга бош-қош бўлмоқда. Мазкур ташкилот тизимида айни пайтда бозорлар-

нинг 66 та йирик ва кичик шохобчалари фаолият юритмоқда. Уларнинг таркибида, хусусан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси учун 20,3 мингга, гўшт, балик, сўт маҳсулотлари учун – 2,3 мингдан зиёд махсус жойлар яратилган. Эътиборлики, бу савдо нуқталари бугунги кун талабига тўлиқ жавоб беради.

Айтиш кераки, бозорларимизга савдо билан шуғулланувчи қисмоний шахслар томонидан келтирилаётган ҳўл мева ва सबзотлардан ташқари, алоҳида ташкил этилган расталар орқали фермер хўжаликлари билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар асосида сифатли ва мувофиқлаштирилган нархларда табиатимизнинг турли ноз-неъматлари етказиб берилмоқда. Шаҳримиз аҳолиси манфаатига йўғрилган бундай хайрли ишлар натижасида, жумладан, жорий йилнинг

март кунда. Шу йилнинг март ойидан бошлаб шахримиз деҳқон бозорларида «Элга хизмат» тизими асосида махсус савдо шохобчалари фаолият бошлади.

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасидан олинган маълумотларга кўра, «Элга хизмат» тизимидаги савдо расталари ҳар бир тумани камраган ҳолда барча деҳқон бозорларида ташкил этилди. Мақсад, қайд қилинганидек, шахримиз аҳолисининг сифатли ва арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш ва шу тариқа, яъни нархларнинг асоссиз равишда ошишига йўл қўймаслик ҳисобига соғлом рақобатни шакллантиришдир. Шуни ҳам айтиш жоизки, сотувчи ва харидорлар учун қулай шароитлар яратиш, савдо маданийтини ошириш, замонавий хизмат кўрсатиш услубларини кенг жо-

қунда ниҳоят ер эгаларининг орауи ушадди. Эндиликда деҳқон ва фермер хўжаликлари етиштираётган неъматларини бевосита шахримиз аҳолисига «Элга хизмат» корхоналари орқали арзон нархларда тортиқ қилиши мумкин бўлади.

– Мен ҳам шу бозордан доимо харид қилишга ўрганганман, – деди Шайхонтохур туманида истиқомат қилувчи Сурайё Толипова. – Бозорларда олдин терминаллар бўлмагани ўзига яраша ноқулайликлар келтириб чиқарди. Мана энди чекланган нархларда, энг муҳими пластик қарточка орқали сифатли маҳсулотлар сотиб олишимиз учун имконият очилди. Картошка, пиёз, гурuch, гўшт ҳам «Элга хизмат» расталарида анча арзон. Таклифим, бундай савдо нуқталари сафи кенгайтирилса, шундангина бозорларимизда рақобат ҳам соғлом бўлиб бораверади.

Дарҳақиқат, 12 та деҳқон бозоридида шўба корхоналари кўринишида ташкил этилган «Элга хизмат» расталарида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари республикамиз вилоятларидан бевосита деҳқон ва фермер хўжаликлари орқали етказиб берилмоқда. Март ойининг ўтган кунлари давомида ушбу савдо расталари орқали 192 миллион сўмлик 190,1 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари аҳолига етказилди. Хусусан, картошка, пиёз, сабзи – 700 сўмдан, гўшт – 10 минг сўмдан, гурuch – 1200 сўмдан, туҳум – 180 сўмдан сотилди. Ҳар куни шахримиз аҳолиси ва меҳмонлари арзон нархларда ўрта ҳисобда 50 миллион сўмлик маҳсулот харид қилмоқда. Жумладан, 20 миллион сўмлик савдо-сотик терминаллар орқали пластик қарточкаларда амалга оширилмоқда.

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси мутахассислари таъкидлаб ўтганидек, «Элга хизмат» тизими бозорларда авваломбор узлуксиз равишда мўлкчиликни таъминлаш баробарида, нарх-наволарнинг ошиб кетишининг ҳам олдини олиш ва мувофиқлаштириш бориш учун ташкил этилди. Яқин кунларда эса Тошкент, Қашқадарё ва Наманган вилоятларидаги фермер ва деҳқон хўжаликларидан шахримиз аҳолиси учун «Элга хизмат» савдо расталари арзон нархларда янги етиштирилган эртаки картошка, сабзи ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказилди.

Буларнинг барини деҳқонларимизнинг пойтахт аҳолисига кўрсатаётган гамҳўрлиги деб биламиз. Ҳа, бобо-деҳқонлар меҳнати – бозорларимиз зийнати экан, уларга тасаннолар бўлсин!

Қутлуг баҳор айёмлари яқинлашиб келаётган кунларда, она замин яшарётган бир пайтда деҳқонларимизга таъзим айлаб, уларга «Дорманг, ҳосил-ингиз, хирмонингиз ҳар доим баракали бўлсин», деб қоламиз.

**Ильмира ЗАЙНУДИНОВА**

**Элга хизмат – олий ҳиммат**

**БОБОДЕҲҚОН МЕҲНАТИ – БОЗОРЛАРИМИЗ ЗИЙНАТИ**

январь-февраль ойлари давомида арзонлаштирилган нархларда 4673,7 тонна картошка, 2995,1 тонна пиёз, 872,1 тонна сабзи, 271,8 тонна қарам, 15,4 миллион дона туҳум, 110 тонна парранда гўшти, 245 тонна гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди. Бу дегани бозорларимизда деҳқонлар учун яратилган қулайликлар боис олибсатарлар томонидан сунъий равишда кўтарилаётган нархларнинг кескин пасайишига эришилди.

Таъкидлаш жоизки, бозорлар фаолиятини янада такомиллаштириш, инфратузилмасини замон талаблари даражасига кўтариш, савдо-харид ҳисобини тўғри йўлга қўйиш, тўлов терминллари ва назорат-касса аппаратлари билан таъминлаш, сифатсиз ва қалбаки маҳсулотлар сотиши ҳамда нарх-наволарнинг асоссиз ўсишининг олдини олиш, бир сўз билан айтганда, сотувчи учун ҳам, харидор учун ҳам қулай ва соғлом муҳит яратиш йўлида мамлакатимиз Президентининг «Деҳқон бозорлари ва савдо мажмуалари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлаётган.

Айнан мазкур ҳужжат янги бир лойиҳани жорий этишда асос бўлиб хиз-

рий этиш мақсадида «Элга хизмат» шохобчалари бир хил кўринишдаги анжомлар ва жиҳозлар билан таъминланди. Шу жумладан сотувчилар учун махсус иш кийимлари ва шахсни билдирувчи кўрак ташриф ҳужжатлари жорий этилди. Энг муҳими – назорат-касса аппаратлари йўлга қўйилган бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишда пластик қарточкалардан ҳам бемалол фойдаланилмоқда. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият Миллий ва Халқ банклари, «Ипотек», «Туркистон», «Ўзсанотқурилиш» банклари, «Қишлоқ қурилиш банки» ва «Агробанк» филиаллари терминаллар билан таъминлашда кўмаклашмоқда.

– Очигини айтганда, бу кунларни кўп кутганидек. Пенсияерман. Майда-чуйда харид қилиш учун «Эски Жўва» бозорига тез-тез келиб тураман. Дастурхонимиз баракасини таъминловчи бозорлардаги тўкин-сочинлики кўриб, кўзим қувнайди, – дейди «Эски шаҳар» маҳалласи фуқароси Худойберган Искандаров. – Кейинги йиллар ичида шахримиз деҳқон бозорлари обод бўлиб, санитар ҳолати ҳам яхшиланди. Бу ердаги тўкин-сочинлик таровати учун биз авваломбор деҳқонларимизга тасанно айтаемиз, уларнинг меҳнатини улуғлаймиз. Бугунги

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳайратлантирадиган кучга айланган бормоқда. Тадбиркорлардан муносибларини элга танитишда, раббатта сазовор этишда, янги ташаббусларга ундашда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловнинг муносиб ҳиссаси бор.**



**«Ташаббус-2011»**

**ИШБИЛАРМОНЛИК ВА ФАОЛЛИК РАҒБАТИ**

«Ташаббус-2011» кўрик-танловининг Яққасарой туман босқичида ҳам ўн иккита корхона ва ўн икки нафар хунарманд белгиланган шартлар бўйича беллашди. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Маҳсулотлар ўзининг сифати, рақобатбардорлиги, хорижикидан қилишмаслиги билан эътиборни торди. Шу боис ҳам тадбирда қатнашган истеъмолчилар, меҳмонлар ҳамда танлов уайвати нафақат икки бозорда, балки экспорт борасида ҳам юқори салоҳиятга эга бўлиб бораётган тадбиркорлар хунармандларимизнинг фаолиятига муносиб баҳо беришди.

Танлов давомида алоҳида раббатга сазоворлар аниқлашиб, муносиб тақдирланди. «Энг яхши тадбиркор» йўналишида «Мирсазава» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Баҳодир Мирҳабибов, «Энг яхши хунарманд» йўналишида – темирчилик устаси Аҳмад Шермухамедов биринчи ўринни эгаллашди. Пойтахтимизнинг кенжа тумани бўлган Бектемирда ўтган кўрик-танловда йигирма нафар кичик корхона ва хусусий бизнес субъектлари ўзaro беллашди. Кўргазмага қўйилган маҳсулотлар орқали кичик бизнес ва ху-

сусий тадбиркорлик вакиллари маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритиши, иш ўринларини яратишда фаолиятга аса эътиб, импорт ўрини босувчи товарлар билан ички бозорни тўлдиряётгани, ҳуқуқий биллими сингари жиҳатларга хайрат жиддий эътибор қаратган ҳолда голиб ва совриндорларни аниқлади. Шундай қилиб, «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналиши бўйича «Нусо-текстиль-сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мансур Раҳимов, «Энг яхши хунарманд» йўналиши бўйича лок миниатюраси устаси Камолиддин Абдуллаевлар голиб чиқиди. Энг кучлилар шаҳар микросида ўтказилган кўрик-танловга йўлланма олишди.

**Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВ**  
**Козим УЛМАСОВ**  
олган сурат

**СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА**

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Европа Иттифоқи, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ва «Бизнес-логистикани ривожлантириш ассоциацияси» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда «ISO 9001:2008 стандарти талаблари бўйича сифатни бошқариш тизимига кириш» мавзусида ахборот семинарини ташкил қилди.**

Тадбир сифатни бошқариш тизими, халқаро сифат стандартлари тизимининг муҳимлиги ва фойдаси ҳақида хабардорлик даражасини ошириш мақсадида икки йиллик «ISO 9001:2008 стандарти бўйича сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш орқали транспорт-логистика корхоналари салоҳиятини мустақамлаш» тажриба лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Бугунги кунда сифат менежменти тизими Ўзбекистоннинг қўлаб ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасаларида халқаро талабларга мувофиқ жорий этилмоқда ҳамда рақобатбардорлик, манфаатдор компаниялар умумдорлиги ва даромадларини оширишнинг самарали услуби ҳисобланади. Ушбу мақсадларга Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2009 йил 19 июнда қабул қилинган «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳисобидан эришилмоқда.

ISO 9001:2008 стандартлари Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO – International Organization for Standardization) Техник кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ташкилотлар ва корхоналар сифат менежменти тизимларини яратиш ҳамда

такомиллаштиришда қўлланилмоқда. Унда қўлланилган атама ва таърифлардан 9000 сериясидаги барча стандартларда фойдаланилмоқда. Уларнинг талабларга мувофиқлиги етказиб берувчининг ишончлигини даражаси ва компанияси самарадорлигини далolat беради. ISO мувофиқлик сертификати эса стандарт талабларига эришилганининг ташқи, мустақил исботи ҳисобланади ва сифат менежменти тизимига нисбатан қатор шартларни ўз ичига олган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхоннинг таъкидлашича, корхоналарда ISO 9001:2008 сифат менежменти тизимини жорий қилишни уларнинг рақобатбардорлигини ошириш ва бозор шароитларида барқарор ривожланишининг муҳим шарти сифатида кўриб чиқиш керак. Натижада корхоналарда истеъмолчилар, ходимлар, акциядорлар, етказиб берувчилар ва жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, барқарор молиявий кўрсаткичларга эришишга қаратилган менежмент тизими шаклланади.

Семинар доирасида иштирокчилар ISO 9001 ва бошқа стандартлардан фойдаланган ҳолда сифатни бошқариш тизимини жорий этиш самарадорлигининг бошқа жиҳатларини ҳам кўриб чиқиди.

**М.МАМЕТОВА,**  
**ЎЗА МУХБИРИ**

**Инқирозга қарши чоралар дастури – амалда**

**КОРХОНА ҚАДДИНИ ТИКЛАДИ**

**Банкрот корхоналарни соғломлаштириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси юксак самаралар бермоқда.**

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш уқулари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувори йўналишларга бағишланган мажлисидаги маърузасида тўланмай қолган қарзлари туфайли банкротлик балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш юзасидан қўрилатган чора-тадбирлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўлаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони бу соҳада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатта мувофиқ, тижорат банклари томонидан иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш, улар негизда замонавий юқори технология ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш борасида юксак натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамкорлигида пойтахтимизда ташкил этилган Инқирозга қарши чоралар дастури самаралари, банкларнинг банкрот корхоналарини соғломлаштиришдаги ролига бағишланган матбуот анжуманида шу жиҳатларга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари Ш.Ҳайдаров ва бошқарув Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз банк-молия тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётгани, жазон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда халқувчи аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустақамлаш ва узок мудатли ресурсларни кенгайтириш бўйича қўрилган мақсадли чора-тадбирлар самарасида банкларнинг иқтисодий реал сектори корхоналарини молиявий қўлаб-қувватлаш борасидаги фаолияти кенгайтириб бормоқда.

Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш бўйича мамлакатимизда жорий этилган ўзига хос ноёб механизм банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестиция киритиш, бундай корхоналарда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, замонавий бошқарув усулларини татбиқ этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги ўринларини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирга қадар тижорат банклари балансига берилган 147 банкрот корхонанинг 140 тасида ишлаб чиқариш қайта тикланди. Қайд этиш керакики, банклар томонидан бу корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 160 миллиард сўм миқдорда инвестиция йўналтирилди, қарийб 22 минг иш ўрни ташкил қилинди. Қайта тикланган корхоналарда 460 миллиард сўм ҳамдадаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий қиймати 165 миллион доллардан ортиқ маҳсулотлар экспорт қилинди.

Банқлар инвестициялари ҳисобига фаолият қайта тикланган, технологик жиҳатдан янгиланган корхоналар янги инвесторлар эътиборини тобора кўпроқ тортиши табиий, албатта. Банклар томонидан янги инвесторларга ана шундай 64 корхонанинг 663 миллиард сўмга сотилгани бу фикрнинг тасдиғидир.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўлаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш жараёнида фаол иштирок этмоқда.

– Давлатимиз раҳбарининг иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари оид фармони ижроси доирасида 65 банкрот корхона банкимиз балансига қабул қилинган эди, – дейди Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаменти директори Р.Ҳамидов. – Ўтган давр мобайнида ушбу корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун 38,1 миллиард, ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун 26 миллиард, жами 64,1 миллиард сўм инвестиция киритилди. Амалга оширилган ишлар натижасида, 44 корхонада ишлаб чиқариш тикланди, 19 корхона янги мулкдорларга сотилди, бир корхона негизда қўшма корхона ташкил этилди.

Банк балансида олинган корхоналарни самарали бошқариш, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, фаолият тикланган корхоналарни инвесторларга сотишни ташкил этиш мақсадида «NBU Investment» ва «NBU Invest Group» шўба компаниялари тасъис этилди.

Мазкур компаниялар тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат саноати корхоналарида, чарм, мўйна, пойабзал, кабель-сим, целлюлоза-қоғоз, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган қувватларда самарали бошқарушни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ёрдамида фаолият қайта тикланган корхоналарда 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 5,8 мингдан зиёд иш ўринлари яратилган, улар томонидан 136,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, 43,2 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинган.

«Ўзбек қозоғи» очик акциядорлик жамияти банк балансига ўтказилган, унинг негизда «Тошкент қозоғи» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. 2010 йилнинг июлидан бу ерда ишлаб чиқариш қайта тикланди.

– Корхонамизда маҳсулот тайёрлашни қайта йўлга қўйиш учун 2 миллиард 128 миллион сўмлик инвестиция киритилди, – дейди ЎЗА муҳбири «Тошкент қозоғи» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зойир Ҳўжаев. – Шунинг ҳисобидан бино ва иншоотлар, асбоблар таъмирланди ва янгилари келтирилди. Энг муҳими, 335 киши иш билан таъминланди. Ўтган давр мобайнида асосан маҳаллий хомашдан 3 миллиард сўмлик қандайдиги қозоғ ва картон, ёзув дафтарлари, толали плиталар каби бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Корхона қувватини янада ошириш ва тайёрланаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш мақсадида мавжуд технологик линияларни модернизация қилиш ва янги ускуналар келтириш юзасидан фаол иш олиб борилмоқда. Жорий йилда бу ерда яна қўшимча 100 иш ўрни ташкил этиш, 11 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номни қайд этилган фармони асосида банкрот корхоналарни соғломлаштириш борасида яратилган механизм яна бошқа қўлаб корхоналар мисолида ҳам ўз самараларини намойён этмоқда. Илгар дарвозасига қўлиб урилган корхоналарга яна файзу баракани кирмоқда. Экспорттоб ва импорт ўрини босувчи рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарилимоқда, минглар одамлар доимий даромад манбаига эга бўлмоқда. Бу мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига, халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Шу боис анжуманда таъкидланганидек, банкрот корхоналарни қайта тиклаш ишлари келгусида ҳам банклар фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади.

**Олим ТўРАҚУЛОВ**



Ўзбегимнинг қизлари, иқтидор юлдузлари, доимо порлаб турар чарос қора кўзлари!

ЎзА олган суратлар

Президентимиз Ислам Каримов раислигида жорий йил 25 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самаралари, бу борада келгусидаги устувор вазифалар атрофича муҳокама этилди.

## СОҒЛОМ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалишининг пойдевори" мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ушбу вазифалар ижроси ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда тегишли вазирлик ва идоралар, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларининг раҳбарлари, спорт мураббийлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга берилган эътибор юксак эътибор ва имкониятлар баркамол авлодни воғга етказишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ёш авлодни жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этишининг миллий тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда Универсиадада спорт мусобақалари ўғил-қизларда спортга меҳр уйғотиш, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришга қодир маҳоратли спортчиларни тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда. Болалар спорти ривожини самарасида, ўқувчи-ёшларда қатъият, мустақам ирода, аниқ мақсадлар сари интилувчанлик, ўзига бўлган ишонч каби фазилатлар шаклланимоқда. Улар ўртасида ўткир респиратор вируси, шамоллаш, умуртқа поғонасининг ўзгаришига оид касалликларга чалиниш ҳолатлари сезиларли даражада камайиб бораётди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан сўнгги йилларда 1 минг 256 болалар спорти масканлари барпо этилди, мавжудлари тубдан реконструкция қилинди, капитал ва жорий таъмирланди. Уларнинг саксон фоиздан ортиги чекка ҳудудларда барпо этилган.

ни қишлоқ ёшлари орасида спортнинг янада омаллашишига хизмат қилмоқда. Спорт масканлари юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган замонавий спорт инвентарлари, анжом ва жиҳозлари билан таъминланмоқда.

Бу жараёнда қизларни, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи ўқувчи қизларни спортга кенг жалб этишга, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятларда гимнастика бўйича ҳудудий федерациялар ҳамда марказларнинг ташкил этилиши натижасида қизларнинг нафис спорт турлари билан шуғулланиш имконияти янада кенгайди. Сўнгги икки йилда бадий гимнастика билан шуғулланадиган қизлар сони уч баробар ошгани ҳам бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари, стол тенниси ва сузиш билан шуғулланаётган қизлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Бу борада жисмоний тарбия машғулотларини олиб борувчи аёл мураббияларни тайёрлаш, уларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга жиддий эътибор берилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида хотин-қизлар спорти йўналишида юқори малакали мураббиялар тайёрланиши йўлга қўйилгани, улар асосан вилоятлардаги спорт мактабларида фаолият олиб бораётгани эътиборлидир.

Матбуот анжуманида болаларни спортга қизиқтириш ва жалб этишга оид ишларни янада тақомиллаштириш, бу борада эришилган илғор иш услублари ва тажрибаларни омаллаштириш, спорт мураббийларининг касб малакаси ва маҳоратини ошириш борасида галдаги вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар тингланди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎзА муҳбири

## Спорт янгиликлари

### ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Кейинги пайтларда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Буни ўтган йилги мавсумда мамлакатимиз спортчиларининг халқаро миқёсдаги турнирларда кўлга киритган юқори натижалари ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Жумладан, ўтган йили вакилларимиз халқаро беллашувларда 5 та олтин, 5 та кумуш ва 13 та бронза медалларни кўлга киритди. Сингапурда ёшлар ўртасида триатлон бўйича ўтказилган Осиев Кубогида Жавахир Юнусов ҳамда Диёр Мўминовга қитъада тенг келадиган рақиб топилмади. Шоҳруҳ Юнусов эса учинчи ўрин билан қиёяланди.

Словакияда ёзги биатлон бўйича ташкил этилган жаҳон кубогининг иккинчи босқич мусобақаларида ҳамюртларимиз Мурод Хожимбоевга кумуш, Анузар Юнусов ва Дилафрўз Имомхусановаларга бронза медаллари насиб этганлиги юртимизда техник ва амалий спорт турлари ёшлар орасида жадаллик билан омаллашиб бораётганлигига ёрқин мисол бўла олади.

Куни кеча шаҳримизда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенга-

шида 2010 йил якунлари бўйича голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги вакиллари, спорт жамоатчилиги ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган хайрли юмушлар сабаб мамлакатимизда жисмонан ва маънан етук, ватанпарвар, фидойий спортчиларнинг янги авлоди шаклланишига таъкидлаб ўтилди. Тадбир қатнашчилари сўнгги йилларда автотранспорт, мотоспорт, биатлон, дуатлон, триатлон, картинг, авиамодел, автомобил, ракетамодел, кеамодел каби спортнинг техник ва амалий турларига ёшларимиз орасида қизиқиш тобора ортиб бораётганлигини эътироф этишди. Тадбир якунида ўтган йилги мавсумда халқаро турнирларда ва мамлакат чемпионатида голиб ҳамда совриндор бўлган спортчиларга «Ватанпарвар» ташкилотининг эсдалик совгалари топширилди.

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

**Футбол мухлисларига маълумки, 2012 йилда 20 ёшгача бўлган хотин-қизлар 2014 йилда 17 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади. Дарвоқе, 2013 йилда ФИФА Конгресси ҳам уюштирилади.**

Куни кеча ФИФА қароргоҳи жойлашган Швейцарияда Халқаро футбол уюшмаси президенти Йозеф Блаттер Ўзбекистон футбол федерацияси президентининг ёрдамчиси Алишер Никимбоев билан мулоқот ўтказди.

Ушбу учрашувдан мақсад, юқорида эслатганимиз турли ёш тоифасидаги жаҳон чемпионатлари ва ФИФА Конгресси Ўзбекистонда ўтказиш юзасидан зарур ҳужжатларни топшириш ва расмийлаштириш эди.

Учрашув чоғида Блаттер ушбу нуфузли турнирларга Ўзбекистоннинг мезбонлик қилишига ФИФА эътироз билдирмаслигини, бу масала Халқаро футбол уюшмаси мутасаддиларининг доимий диққат-эътиборида бўлаётганлигини таъкидлади. Чунки Блаттернинг фикрича, футбол, айниқса болалар футболри ривожига мамлакатимизда жуда катта эътибор берилаяпти. Қитъада футбол жадаллик билан ривожланаётган мамлакатлар орасида Ўзбекистон етакчилик қилмоқда. Шу боис ҳам келгуси йилларда турли ёш тоифасидаги жаҳон чемпионатларидан бири ёки ФИФА Конгресси Ўзбекистонда уюштирилиши мумкин.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.

## Кўрғазмалар

### БАҲОР ВЕРНИСАЖИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар залида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган анъанавий «Баҳор вернисаж» кўрғазмаси очилди.

Маълумки, фасллар келинчаги, гўзаллик, яшариш, муҳаббат фасли бўлган баҳорнинг ўзига хос ажиб таровати, файзи бор. Ушбу фаслда табиат билан биргаликда аёллар, қизлар ҳам янада чирой очади.

Ўзбекистон Бадий академияси Бадий кўрғазмалар дирекцияси ҳам

ижодкор аёл ва қизларимизнинг асарларидан ижодий «гулда» тайёрлаб, анъанавий ўтказиб келинаётган «Баҳор вернисаж» кўрғазмасини санъат мухлислари эътиборига тўхфа этмоқда. Мазкур кўрғазмада ўтган йилгилардан фарқли ўлароқ фақат аёл-рассомлар қатнашдилар.

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4655 нусхада босилади. Қороз бешим 2-2

**ЎЗГИРМОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 7 март кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайдиган кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли бор. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шама мол эсади. Ҳарорат кечаси 0-2 даража илқ, кундузи 14-16 даража илқ бўлади. Республика ҳудуди бўйича 7 март кунини ҳаво ўзгариб туради. Баъзи жойларга туман тушади.

Тоғли ҳудудларда қор кўч Ҳарорат кечаси — 2 даража совуқ — 3 даража илқ, кундузи — 10-15 даража илқ бўлади. 8 март кунини кечаси 0-5 даража илқ, кундузи 12-17 даража илқ.

Ўзгирмометнинг мониторинг хизмати маълумотида кундузи 6-8, 9 ва 10 март кунини эрталаб Тошкент шаҳри ҳаво шароити шаҳар ҳаво ҳитида зарарли моддаларни бироз йиғилишига имконият яратмади. Атмосферанинг лосаниши даражаси 1-3 даража кўпайиши тахмин қилинмоқда. Тағмиқдорли наст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефони мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбуот акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй